

# 2014 йил январ-июнь ойларининг якунлари бўйича “Ўзкимёсаноат” ДАК корхоналари фаолияти тўғрисида

// 22.07.2014

<https://uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/otchet20141>

2014 йилнинг I яримийлик якунлари бўйича “Ўзкимёсаноат” корхоналарида **995,3** млрд. сўмлик товар маҳсулот (ўсиш суръати 103,6%) ҳамда **91,3** млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари (ўсиш суръати 134,4%) ишлаб чиқарилди.

Соф ҳолда **589,68** минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан **466,87** минг тонна азотли ўғитлар, **76,44** минг тонна фосфорли ўғитлар ва **46,37** минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2014 йил январь-июнь ойларида **69,7** млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди (прогноз 14,8млрд.сўм).

2014 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш доирасида “Ўзкимёсаноат” ДАК корхоналари томонидан **36,56** млн.доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди ва прогноз 109,7%-га бажарилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада тузилган шартномаларга биноан **100,6** млрд.сўмлик маҳсулот компанияя корхоналари томонидан сотиб олинди.

321 янги иш ўрни, шу жумладан касаначилик асосида 54 иш ўрни яратилди.

Худудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларидағи мавжуд техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2014 йил январь-июнь ойлари давомида 23,7 млрд.сўмлик агрокимёвий хизматлар кўрсатилди. Жумладан: 654,1 млн.сўмлик 51,0 минг тонна компост тайёрланди ва сотилди, 148,3 минг тонна органик ва 400,2 минг тонна минерал ўғитлар фермер хўжаликлари экин майдонларига етказиб берилди. 237,5 минг гектар ғалла майдонларида минерал ўғитлар сепилиб, суспензия тадбирлари ўтказилди.

**“Ўзкимёсаноат” ДАК  
матбуот хизмати**